ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 3 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (13.217)

Баҳоси эркин нархда







ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Истиқлолнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳар бир туманда кенг кўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шайхонтоҳур тумани аҳолиси ҳам барча соҳаларда ғайрат билан меҳнат қилиб, Мустақиллигимиз шодиёнасини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олиш ҳаракатида.

Тумандаги 51 та маҳаллада 321,8 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида туман ҳудудида Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ислом университети, Божхона институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей каби замонавий иншоотлар қад ростлади.

Туманда бунёдкорлик соҳасида олиб борилган ишларга назар ташласак Мустақиллик йилларида замонавий, қулай ҳамда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган кўчалар, кўп қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилганининг гувоҳи бўласиз. Биргина Алишер Навоий кўчасида 8 та замонавий уй-жойлар қурилган бўлса, янги ҳалқа йўлидаги Нурафшон кўчасида ана шундай замонавий уйлар қурилиши давом этмоқда.

Туманда жойлашган Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбек давлат драма театри, Ўзбекистонда ягона бўлган Ўзбек давлат цирки каби маданият масканларида қайтадан замонавий талаблар асосида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу йилларда тумандан оқиб ўтувчи Анҳор каналининг йўлаги замонавий талаблар асосида қайта таъмирланиб, аҳолининг маданий эҳтиёжи учун қулайликлар яратилди.

Ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишлари мақсадида бугунги кунда туманда 10 дан зиёд спорт мажмуалари фаолият юритмоқда. 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, "ЖАР", "Пахтакор", "Ипакчи", "Истиқлол" ва "Оқтепа" спорт мажмуалари ҳамда "Хадра" теннис клуби, "Камолон" футбол клублари каби спорт иншоотлари фаолият юритаётган бўлса, унда жами 30 мингга яқин ўсмир-ёшлар спорт билан шуғулланиб юртимиз байроғини юқори кўтармоқдалар. Бугунги кунда туманда жами 3 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолият юритмоқда. Тумандаги 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида янги сув ҳавзаси қуриб битказилди.

Йилдан йилга чирой очиб, гуллаб-яшнаётган туманда 4 та олий ўқув юрти, 4 та академик лицей, 9 та касб-ҳунар коллежи, 36 та умумтаълим мактаблари, 43 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд. Замонавий жиҳозланган ҳамда зарур ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланган масканларда таълим олаётган ёшларнинг эртаси албатта порлоқ бўлади.

Туманда 10 та кўп тармоқли оилавий поликлиника бўлиб, уларда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада яхшилаш мақсадида малакали шифокорлар фаолият олиб бормоқдалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида туманда жойлашган қадимий "Эски Жува" деҳқон бозорида ҳам салмоқли ишлар олиб борилиб, унга замонавий шарқона кўрк берилиб, тадбиркорларга, айниқса, аҳоли учун қулай шароитлар яратилди. Шу билан бир қаторда бугун туманда замонавий гипермаркетлар фаолият юритмоқда. Алишер Навоий, Фурқат кўчаларида замонавий кўринишдаги савдо мажмуалари халқимиз эҳтиёжлари учун хизмат қилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, бугун туманда 5 мингдан зиёд хусусий тадбиркорлар фаолият юритмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилаётган кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар, туманда тайёрланаётган маҳсулотларининг хорижий мамлакатларга қилинаётган экспорт кўрсаткичларида ўзининг исботини топмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига эътибор қаратадиган бўлсак, туманда ислоҳотлар давом эттирилиб, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ривожланиш бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида туман иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Туманда 2016 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15,1 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 17 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 13,7 фоизга, чакана савдо айланмасининг 30,3 фоизга, жами хизматлар 14 фоизга, пуллик хизмат 11 фоизга ўсишига эришилди.

Бир сўз билан айтганда, Шайхонтоҳур тумани аҳолиси Мустақиллигимизнинг улуғ шодиёнасини кўтаринки кайфият ва муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлаган.

(Шайхонтоҳур туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг VII ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.





ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Унда Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, маҳаллий кенгаш конференцияларида сайланган делегатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фаол ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда муносиб таълим-тарбия бериб, етук мутахассислар бўлиб вояга етишларини таъминлаш давлатимизнинг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланди. Ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштирган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу борада фаол иштирок этмоқда.

Ҳозирги кунда Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфида 11 та туман кенгашлари, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши, "Бунёдкор" ёшлар телеклуби, "Камолот" ёшлар боғи, "Камолот" спорт-саломатлик масъулияти чекланган жамиятлари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом, фикри тиниқ, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида 292 та, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида 120 та, олий таълим муассасаларида 34 та ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда 262 та, жами 708 та Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолият юритиб, 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган аъзолар сони жами 306038 нафарни ташкил этади. Шунингдек, Ҳаракат қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган жами 136261 нафар ўқувчи-ёшларни ўз сафига бирлаштирган.

Конференцияда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг ва Назорат-тафтиш комиссиясининг ўтган икки ярим йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

Унда таъкидланишича, ҳисобот даврида Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш соҳасидаги 4719 та, маънавий-маърифий соҳада 5465 та, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш соҳасида 2092 та, иқтидорли ёшларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида 965 та, спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида 6129 та, жами 19370 та лойиҳа ва тадбирлар ташкил этилган.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Муроджон Зуфаровнинг ўтган йиллар давомида амалга оширилган кенг ислоҳотлар тўғрисида ҳисоботи тингланди. Маъруза нутқида фаолият давомида лойиҳаларнинг шаҳар Кенгашида ташкил этилган тадбирларнинг савияси кўзга кўринарли даражада ўсганлиги келтирилди. Конференциядан ўрин олган маърузалар тинглангач "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаш раиси Б.Ғаниев сўзга чиқиб, "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши фаолияти ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва суд органлари фаолияти билан танишувлар, "Ҳоким ва ёшлар" учрашувлари, "Сиз қонунни биласизми?", "Энг намунали бошланғич ташкилот", "Ҳуқуқ билимдонлари", "Тафаккур синовлари" кўрик-танловлари, "Ватан келажаги сенинг қўлингда!", "Ўзбекистон – ягона Ватаним" шиори остидаги "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч!" тарғибот лойиҳалари ёшларни давлат бошқаруви тизими ва органлари фаолияти билан яқиндан таништириш, уларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

"Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳалари, "Таълим ва мутахассислик", "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" кўргазмалари ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлашга кўмаклашмоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Ҳуқуқ билимдонлари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги "Сиз қонунни биласизми?", талабаларнинг "Тафаккур синовлари" кўрик-танловларида ўз ҳаётига дахлдор қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда бевосита иштирок этмоқда. "Ёш қутқарувчи", "Ёш чегарачи" ва "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларида қатнашиш орқали ҳарбий-ҳуқуқий билимларини оширмоқда. Маънавий-маърифий соҳада ўтказилган йирик лойиҳалардан "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали, "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар танлови, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали, "Kamolot-tur" ёшлар веломарафони, "Камолот" ғунчалари", "Камолот" шахмат тахтаси" турнирлари каби тадбирларни ўтказишда ёшларнинг истеъдодини кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда)





XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги: иқтисодий мустақиллик – кучли мустақил давлатнинг муҳим кўрсаткичи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, банк ва солиқ идоралари раҳбарлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Қаршида "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда "Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа", "Қишлоқ хўжалигидаги энг яхши лойиҳа", "Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа" номинацияларида ғолиблар аниқланди ва улар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади. Бир неча тадбиркор қизга тижорат банкларидан кредит олиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

● Урганч шаҳрида "Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз" мавзусида акция ўтказилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партиянинг тарғибот гуруҳи аъзолари, депутатлар, туман ҳокимлиги масъуллари, бошланғич партия ташкилотлари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхати сезиларли даражада кенгайди. Яъни, яқинда Истанбулда бўлиб ўтган ташкилотнинг қирқинчи сессияси натижаларига кўра, рўйхат 41 та объектга кўпайди. Эндиликда ушбу рўйхатдан Эроннинг Дашти-Лут саҳроси, Хитойнинг Шэньнунцзя ўрмон ҳудуди, Ҳиндистондаги Наланда ибодатхонаси, Ғарбий Тянь-Шань (Самовий тоғлар) ҳам ўрин олди.

● Кеча Пермь ўлкасида мотодельтапланнинг қулаб тушиши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

● Яман ўлкасида истиқомат қилувчи 23 кишида куйдирги касаллигининг қўзғатувчиси аниқланди.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА













ШАРТ-ШАРОИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби тадбиркорлик равнақига катта эътибор қаратилиб, бунинг учун етарли шарт-шароит, кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётган корхоналар иқтисодиётимизга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, бежирим ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Тумандаги "KO`KCHA TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай эзгу мақсадда фаолият олиб бормоқда.

— Енгил саноат ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизда муҳим ўрин тутади, — дейди жамиятнинг бош муҳандис ўринбосари Эркин Гоипов. — Мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхонамиз асосан ўзимизнинг табиий хом ашёдан фойдаланган ҳолда калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосан Швейцария, Германия ва Япония давлатларидан келтирилган энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар фақатгина ички бозор билан чекланиб қолмасдан, балки экспорт ҳам қилинаётганлиги қувонарли ҳолдир.

— Ходимларга иссиқ овқат вақтида берилади, улар махсус кийимлар билан таъминланган, — дейди корхонанинг касаба уюшма раиси Бердимурод Шоймонов. — Ишчилар учун транспорт хизмати йўлга қўйилган. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериб келинмоқда. Санаторийларга йўлланмалар берилади.

Корхонада Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб, назарий билимларини амалиётда қўллаб, меҳнат қилаётган ёшларни учратдик. Ана шундай ёшларнинг бирини суҳбатга чорладик.

— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб, мазкур корхонада фаолият олиб бораётганимдан жуда мамнунман, — дейди оператор Дилноза Арипжонова. — Аввалига йигирув цехида ишладим, секин-аста иш ўрганиб, модуль цехига ўтказилдим. Оператор бўлиб ишлаш билан бирга цех мастерлиги бўйича ҳам иш ўрганмоқдаман. Ходимлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Битирувчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшаётган корхонанинг келажакда режалари бисёр. Режаларнинг амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз.

Таълим

БУГУНГИ ЎҚУВЧИ ЭРТАНГИ МУТАХАССИС

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ёш авлод таълим-тарбияси устувор вазифалар қаторидан ўрин олди. Жаҳон андозалари даражасида қад кўтараётган академик лицей, касб-ҳунар коллежлари кўрган кўзларни қувонтириб, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Тумандаги Тошкент Гидрометеорология касб-ҳунар коллежи Марказий Осиёда гидрометеорология хизмати учун кадрлар тайёрлаб берувчи ягона ўқув маркази ҳисобланади.

— Янги 2016-2017 ўқув йили учун коллежда барча шарт-шароитлар яратилди, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ендир Даулатов. — Барча ҳоналар ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Коллеж 2009 йилда тўлиқ реконструкция қилиниб, 2 та ўқув биноси, спорт ва фаоллар заллари ҳамда 180 ўринга мўлжалланган ўқувчилар турар жойи мавжуд. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида коллежда 25 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Шулардан 8 та умумтаълим, 10 та махсус фанлар, 8 та спорт тўгараклари ишлаб турибди.

Ҳозирги кунда ўқувчилар коллежда 5 та таълим йўналишлари – гидрометеорология, гидрология, гидрометеорологияда телекоммуникация ва алоқа техниги, геодезия, картография ва кадастр, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси мутахассислиги бўйича таҳсил олиб келмоқдалар. Уларга 53 нафар профессор-ўқитувчилар касб сирларини ўргатишмоқда.

— Коллежда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда, — дейди коллежнинг бошланғич хотинқизлар ташкилотининг раиси Саодат Набиева. — Ҳар бир ўқувчи ва педагог ходимлар томонидан мевали дарахтлар, гуллар экилиб, "Камолот боғи"нинг янада чирой очишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Коллежда ўқувчи-қизларга алоҳида эътибор берилади, жумладан "Ораста қизлар" тўгарагига қизларимиз жалб қилинган. Қизларимиз туман ҳокимлиги томонидан ўтказилган танловларда иштирок этиб, турли номинациялар ғолибига айланган. Шу билан бирга коллежда ўқувчи-қизлар ўртасида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Таълим муассасасида махсус фан ўқитувчилар томонидан таълим тармоқ стандартлари намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда, шу билан бирга бир қанча дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилган. Коллеждаги Ахборот ресурс маркази янги ўқув материаллари билан бойитилди. Коллеж ҳудудида "Метеорологик майдон" мавжуд бўлиб, унда ўқувчилар ўқув амалиёти машғулотларини олиб борадилар.

Коллежда Республикамизнинг барча вилоятларидан ўқувчилар келиб таълим оладилар. Улар учун барча шарт-шароитлар мавжуд, турар жой билан таъминланган. Коллежда ёшларни чақирувга тайёрлаш фани ўтилиб, ўқувчиларни ҳарбий тайёргарликка тайёрлаш учун шароитлар яратилган. Ҳарбий майдонча мавжуд.

Ёшларимизни илмли, ҳунарли, соғлом қилиб тарбиялаш билан бирга қатъий сўзи, фикрига эга иродали қилиб вояга етказишни мақсад қилган коллеж жонкуярларига хайрли ишларида муваффақият тилаб қоламиз.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Саломатлик

ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Тумандаги 47-оилавий поликлиникада ҳозирги кунда йигирма олти мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади. Ушбу поликлиниканинг қўли енгил шифокор, ҳамшира ва тиббий ходимлари ўзларининг ҳудудларига қарашли хонадонларда яшовчи аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволашнинг замонавий технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди 47-оилавий поликлиниканинг бўлим бошлиғи Муаттар Юлдашева. — Поликлиникамиз икки қаватли замонавий бинода 3 та мактаб, 4 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та коллеж, "Қоратош", "Чақар", "Чорсу", "Гулбозор" маҳаллалари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келади. Йил бошидан аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича режа тузиб олинади. Бу каби кўрикларни ўтказиш учун поликлиникада барча шарт-шароитлар мавжуд. Барча тор мутахассислар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатиб келишмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида оилавий поликлиникада она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашга оид изчил чора-тадбирлар белгиланиб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Маскан да туғруқ ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар ўртасида тиббий кўриклар, уларда бирламчи касалликларни аниқлаш ва соғломлаштириш ишлари юқори савияда ташкил этилган.

Аҳоли кўп йиллик тажрибага эга шифокорлардан – Дилбар Абдуллаева, Марғуба Карабаеваларнинг ширин сўзу, муолажалари туфайли дардларига шифо топаётганидан жуда мамнундирлар. Шунингдек, ишга кабул қилинган коллеж битирувчиларига ҳам касбнинг нозик жиҳатлари, унга садоқат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Оилавий поликлиникада очилган фитобар аҳоли хизматида. Беморлар шифокорлар тавсиясига кўра шифобахш дамламалардан фойдаланиб, саломатликларини тиклаш имконига эга бўлмоқдалар. Бундай қулайликлар мавжудлиги мамлакатимизда тиббий хизматлар салоҳияти янада ошаётганлигига мисолдир.

Бугунги кунда барча қулайликларга эга тиббиёт маскани касалликларни тезкорлик билан аниқлаш ҳамда самарали даволаш, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

Маҳалла

ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Айни кунларда файзли гўша бўлмиш маҳаллаларда Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Айниқса, тумандаги "Оқилон" маҳалласи меҳр-оқибатли кишиларнинг ҳамжиҳатлиги бошқаларга намуна бўлиб келмоқда.

Маҳалла ҳудудида 5879 нафар аҳоли, 706 та оила истиқомат қилади. Соғлом она ва бола йили муносабати билан туғилажак фарзанд соғлом дунёга келиши учун ҳомиладор аёллар алоҳида тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни кексалар тиббий кўрикдан ўтишади. Тизимли равишда олиб борилаётган ишлар натижасида аҳолининг саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

— Бугунги кунда туманимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган. Нурафшон кўчасидан Чилонзор Оқтепа майдонигача йўл жадал суръатларда янгидан барпо этилмоқда. Мустақиллигимиз байрами арафасида очилиши режалаштирилган йўлнинг маълум қисми маҳалламиз ҳудудидан ўтмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг масъул котиби Муҳаббат Ёқубова. — Йўл четларини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шанба ва якшанба кунлари тозалик куни деб эълон қилинган. Кўча бўйларига райҳонлар экилмоқда. Бир сўз билан айтганда йўл чиройли бўлиши учун маҳалла аҳли билан биргаликда ҳаракат қилмоқдамиз. Маҳалламизда юртимиз Мустақиллиги байрамини кенг нишонлаш яхши анъанага айланган. Кўчалардаги дарахтлар оқланади, гулу райҳонлар экилади.

Қувонарлиси эса маҳалладаги оилаларда тотувлик таъминлангани боис ажралишлар сезиларли камайган. Яраштирув комиссияси раиси С.Умаров ва бошқа аъзоларнинг саъй-ҳаракатлари билан оилавий муаммолар ҳал қилинмоқда. Ўтган йили тумандаги маҳаллалар орасида яраштирув комиссиясининг олиб борган фаолияти намунали деб топилди.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш масалалари ҳамда Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги таъкидланди.

Мазкур қонун, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни белгилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларнинг бажарилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш, ишловчиларни ҳимоя қилувчи хавфсиз техника воситаларининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш, фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибадан фойдаланиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишга хизмат қилиши қайд этилди.

Янги таҳрирдаги Қонунга кўра, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда устуворликларини ишлаб чиқишда давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда иштирок этади.

Қўшма йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида барқарор ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан, шу жумладан биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган изчил ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз ҳудудида яшайдиган ҳайвонот олами, шу жумладан кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонлар популяцияларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Йиғилишда ҳайвонот дунёси биосферанинг таркибий қисми, экологик тизим занжирининг ажралмас бўлаги ва табиатда модда алмашинуви жараёнининг зарурий компоненти ҳисобланиб, табиий жамоаларнинг фаолият кўрсатишини, табиий муҳитнинг бошқа элементлари сифати ҳолатини таъминлаб беради. Бундан ташқари, ҳайвонот дунёси инсон учун катта маданий, илмий, эстетик, тарбиявий, иқтисодий аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Қўшма йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалик масалалари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари С.Жакбаров, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Сулаймонова, Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Ў.Собиров, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Б.Даминов, М.Раҳматиллаева, Н.Умарова, Л.Илиева, Ҳ.Бобохонов, Б.Саидов ва бошқаларнинг чиқишлари тингланди.

Йиғилиш сўнгида доимий комиссиялар ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЁШЛАР АНЖУМАНИ





(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳрининг Бектемир, Сергели, Учтепа, Миробод, Чилонзор туманларида "Камолот"нинг кўп қаватли уйлари барпо этилмоқда. Ҳозирги кунгача 288 хонадон қуриб битказилиб, ўз эгаларига топширилган. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши 2 ярим йил мобайнида кўплаб ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— 2001 йилда Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашлари ва ёшларнинг ўз хоҳиш-иродаси билан тузилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ўз фаолиятини ёшлар ҳаёти, фикри, тафаккури, орзу-интилишлари ва камолоти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бормоқда, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бошланғич ташкилоти раиси Шукуруллохон Анваров. — "Камолот" ЁИҲда фаолият олиб борар эканман, бир қатор таклиф ва ташаббусларим доимий равишда қўллаб-қувватланган. Аъзоларимиз "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонига сазовор бўлаётгани, шу билан бирга талабаларимиз "Юрт келажаги", "Мунозара", "Қувноқлар ва зукколар" каби кўрик-танловлар, мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.



"Камалак" болалар ташкилоти фаолияти доирасида "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганамиз" шиорлари остида тадбирлар, "Камалак" аъзосиман", "Ёзни "Камалак" билан!" "Камалак"дан Янги йил", "Бахтли болалик" лойиҳалари ва уларнинг доирасида "Экология ва мен" болалар конференцияси, "Миллий ўйинчоқлар", "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" фестивали ўтказилди. Бундан ташқари ташкилотнинг йирик лойиҳалари "Камалак" билимдонлари" танлови, "Камалак" юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали, "Ватан, дўстлик ва халқларварлик учун!" шиори остидаги анъанавий анжуманлари юқори савияда ташкил этилиб, ушбу лойиҳаларга жами 21500 нафар ёшлар жалб этилди.

Конференция музокаралари давомида делегат ёшлар ўзларининг таклиф мулоҳазалари билдириб ўтдилар. Келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар белгилаб олинди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини намойиш этиши учун барча шароит яратилган, — дейди Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалининг бошланғич ташкилот етакчиси Луиза Ашурзода. — Бугун ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод сифатида вояга етмоқда. Конференцияда иштирок этиб, амалга оширилган ишларни тинглаб туриб, "Камолот"нинг ёшларнинг ҳаётида нақадар ўрни катталигига гувоҳ бўлдик. "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан турли йўналишларда тадбирлар ўтказилиб, кўплаб ёшлар жалб қилинган. Ёшларимизнинг қатъияти, эришаётган ютуқларини кўриб, қалбимизда фахр туйғуси уйғонади. Давлатимиз томонидан берилаётган эътибор, яратилган шарт-шароитлар натижасида мана шундай ютуқларни қўлга киритаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Йирик лойиҳа, танлов ва фестивалларнинг уюштирилиши ёшлар фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Анъанавий ўтказиб келинаётган "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасадди ходимлари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилган.

Конференция Ҳаракат томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, ёшларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотлар масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисоботдан сўнг амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Ҳаракатнинг Назорат-тафтиш комиссияси ва раҳбар органлари сайланиб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Устав ва Дастурига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш, бундан ташқари ёшлар масаласи бўйича Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгашининг таклифлари билдирилди.

Конференцияда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси сайланди.

Жорий йилда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида Сергели туманида жойлашган "Камолот" ёшлар истироҳат боғи"ни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида пойтахт ёшларига тантанали равишда топшириш режалаштирилган.

Тадбирда эстрадамизнинг таниқли хонандалари томонидан намойиш этилган чиқишлар йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди. Шунингдек, тадбир доирасида ёшларнинг тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик, фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари кўргазмаси ташкил этилди.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

БОЗОРЛАР — ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда аҳолига сифатли маҳсулотларни етказиб бериш билан бирга, уларни сақлаш, қайта ишлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар бозорларимизнинг янада файзи ва тўкинлигини оширмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий қиёфа касб этиб, хизмат кўрсатиш маданияти юксалган бозорларимиз мустақиллик байрами арафасида янада гавжум тусга кирди.

Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек, улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари назоратга олиниб, молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга уринган ҳуқуқбузарларга қарши курашиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йил бошидан бўлим томонидан бозорлар ва савдо комплексларида 800дан ортиқ назорат тадбирлари ўтказилган бўлиб, 3 366,7 миллион сўмлик кирим ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган товар-моддий бойликлар ноқонуний савдо фаолиятини юритган шахслардан ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шундан, 2 228,4 миллион сўмлик товар чет элдан ноқонуний йўл билан келтирилганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан 149,9 миллион сўм маъмурий жарима ва 1 159,1 миллион сўм молиявий жарима қўлланилган. 6 та ҳолатда эса уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари раҳбарлари ва маъмурияти ходимлари иштирокида ташкил этилган семинар-учрашувларда тегишли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Аҳоли турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳақида холис тасаввур, аввало, бозорларда шаклланади. Юртимизда бундай масканларни янада обод қилиш, сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шундай экан, барчамиз яратилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдалансак гўзал диёримизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Зиёвиддин МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "2-Чарх Камолон" маҳалласида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёрлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклагани, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажак қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб бергани таъкидланди.

– Мустақиллик халқимизнинг миллий давлатчилигини тиклади, қадр-қимматини жойига қўйди, – дейди ЎзА мухбирига Чилонзор тумани "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омонулла Муталов. – Жаҳондаги суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, кўплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қараётгани барчамизга чексиз ғурур, ифтихор бағишлайди.

Тадбирда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида юзага келаётган нотинч вазият, айрим ёвуз кучларнинг ёшлар онгу тафаккурини эгаллашга уриниши кучайиб бораётгани, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Н.НАСРИЕВ

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан "XXI аср" ижтимоий-сиёсий газетаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига кредитлар ажратиш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолларининг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларига экспорт масалаларида амалий ёрдам кўрсатишга бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, етакчи тижорат банкларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси мамлакатимизда иқтисодиётдаги таркибий янгиланишларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб беришда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ўрта синф вакиллари билан бевосита мулоқотлар тизимли равишда ўтказилиб, иштирокчиларга тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳуқуқий меъёрлар ва ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти етказилмоқда. Билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўрганилиб, муаммоли масалаларга кенг жамоатчилик, тегишли идоралар диққати жалб этилмоқда.

Ҳозир мамлакатимиздаги жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ҳам айни шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Тадбирда партия тузилмалари ҳамда тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, бу саъй-ҳаракатларни янада яхшироқ мувофиқлаштириш зарурлиги бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида илк маротаба "Энг яхши ёш ишчи касб эгаси" танлови ўтказилди.

ЭНГ ЯХШИ КАСБ ЭГАСИ АНИҚЛАНДИ

Танлов "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ишчи касбларни оммалаштириш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, энг яхши халқаро ишланмаларни касбий таълим тизимига татбиқ этиш учун замин яратиш мақсадида ташкил этилди. Унда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 25 ёшгача бўлган ишчи мутахассислари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари пайвандлаш, қишлоқ хўжалиги машиналарига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш, қурилиш-пардозлаш ишлари, тикувчилик, тикув буюмлари ишлаб чиқариш, сартарошлик, косметология, ошпазлик каби кўплаб соҳаларда ўзлари эришган ютуқларини намойиш этишди. Танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ўзлари фаолият юритаётган корхона, хизмат кўрсатиш шохобчалари, фермер хўжаликлари, қурилиш ташкилотлари, касб-ҳунар коллежларидаги юқори малакали устозлар томонидан тавсия этилган 2,5 минг нафарга яқин ёш ишчи касб эгалари қатнашганини алоҳида таъкидлаш жоиз.



3 босқичда ва 7 та – "Пайвандлаш ишлари механик техниги", "Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги", "Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси", "Умумқурилиш ишлари устаси", "Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи", "Ошпаз", "Сартарошлик ва декоратив косметика устаси" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Танлов иштирокчиларининг билим ва маҳорати 2 турда – назарий, соҳага доир тест саволлари ҳамда амалий касбий-амалий топшириқларни бажариш синов шаклида ўтказилди.

— Касаба уюшмалари федерацияси томонидан турли касб-ҳунарларни эгаллаб, ишчи касбларида меҳнат қилаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб илк маротаба "Энг яхши ёш ишчи касб эгаси" танлови ўтказилиши йўлга қўйилди, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев. — Шу ўринда таъкидлаш зарурки, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ўқувчилари фаол қатнашди. Асосий эътибор ёш ишчи мутахассислар ҳамда коллеж битирувчиларининг ўзлари танлаган касблар ва ихтисосликлар бўйича қизиқишларини янада ошириш, уларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятларини юзага чиқариш, назарий билим ва амалий кўникма ҳамда малакаларини ошириш, танлаган касблари бўйича меҳнат фаолиятига тайёргарлик салоҳиятини янада кучайтириш, касбий маҳоратларини оширишга қаратилди.

Бундан ташқари, танлов орқали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш, улар томонидан қобилиятли, ижодкор ўқувчилар билан якка тартибда олиб борилаётган аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ривожлантириш, қобилиятли ёш ишчи, мутахассислар ва ўқувчиларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришга эришилди. Энг муҳими танлов ёш ишчи ходимларга ўзларининг назарий билим савияси ҳамда амалий касбий тайёргарлик сифатини оширишлари учун кенг имконият яратди.

Ғолибларга Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш" лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилиб, мазкур лойиҳани бажариш учун жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат ижтимоий буюртмаси сифатида қўллаб-қувватланган ушбу лойиҳада корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларининг ёш ишчи мутахассислари, касб-ҳунар коллежларининг юқори босқич

* * *

Куни кеча Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида танлов якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ёш мутахассисларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини муҳофазалаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, коллеж битирувчиларининг меҳнат бандлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, "Касаба уюшмалари – талабаларга", Ёш мутахассислар форуми, "Йилнинг энг ёш фаол мутахассиси" каби лойиҳалар уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу танловни келгуси йилда янада оммалаштириш, иштирокчилар сафини кенгайтириш, номинациялар сонини ошириш ҳамда халқаро стандартлар асосида ўтказиш белгилаб олинди. Бундан кўзланган мақсад ушбу танловга ёш ишчи касб эгаларини янада кенгроқ жалб этиб, ўз касбининг моҳир эгаси бўлишига амалий кўмак бериш ҳамда ёшларнинг касбий камолотига ҳисса қўшаётган устозларини ҳам муносиб рағбатлантиришдир.

Матбуот анжуманида журналистлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари танлов юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Замира РАҲМОНОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

XXI аср инсоният учун жуда кўп салбий унсурларни олиб келди. Терроризм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ, одам савдоси, фоҳишабозлик муаммолари, миссионерлар найранглари шундай иллатлар жумласидандир. Кейинги йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жиддий ташвиш ва хавотирларни келтирмоқда.

Миробод тумани ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 9 февралдаги "Тошкент шаҳридаги Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман ҳудудий идораларо комиссияларида 2016 йилда ўқув-семинар машғулотларини ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида "Тумандаги барча фуқаролар йиғинлари билан узоқ муддатга кетган фуқароларнинг рўйхатини тузиш, уларнинг кетиш мақсади, қаерда эканлиги ва сўнгги бор алоқага чиққанлигини ўрганиш" мавзусида ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўтган 6 ой давомида Миробод туманида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, хорижга кетган фуқароларнинг кейинги тақдири билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Миробод туманида яшовчи хорижга кетган фуқаролар, уларнинг кейинги тақдири, сўнгги бор қачон алоқага чиққанлиги масалалари бўйича комиссия аъзолари олиб бораётган ишлар муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда трансмиллий жиноятлар, жумладан одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Мазкур ҳужжатларга биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича зарур ёрдам кўрсатишлари белгилаб қўйилган.

Ўқув-семинар машғулотида бу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб этиш, комиссиялар фаолиятидаги ижобий ишларни оммалаштириш ва мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Спорт янгиликлари

АЁЛЛАРНИНГ СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Соғлом она ва бола йили"га бағишланган "Аёллар ўртасида соғлом маънавий муҳитни таъминлашнинг аҳамияти" мавзусида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.



Юртимизда спортнинг нафис ва нозик, аёлларга хос турларини ривожлантириш, спорт билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали аёллар саломатлигини асраш, соғлом авлод туғилишини таъминлашдек хайрли мақсадларни кўзлаб Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган аёллар спорт фестивалида спортнинг гимнастрада, стол тенниси, енгил атлетика, бадминтон турлари бўйича оилавий поликлиникалар жамоалари ўртасида қизиқарли беллашувлар бўлиб ўтди.

Фестивалда гимнастрада ва стол тенниси бўйича ғолиб чиққан 38-оилавий поликлиника жамоаси юқори натижа кўрсатди. 35-оилавий поликлиника шифокор ва ҳамширалари эса биттадан биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Даврон НУРМАТОВ

СУРАТДА: аёллар спорт фестивалидан лавҳа

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани "Журжоний" спорт мажмуасида "Соғлом оила" шиори остида ўтказилган "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичида чаққон ва спортсеварлиги билан рақибларини ортда қолдирган 11 та оила ўзаро баҳслашди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва қатор ташкилотлар томонидан анъанавий тарзда "Отам, онам ва мен — спортчи оила" мусобақалари ўтказиб келинмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда мамлакатимизда спортни ривожлантириш орқали баркамол авлодни тарбиялаш, оилаларда маънавий-ижтимоий муҳитни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

— Оилалар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мантиқий тафаккур даражасини ўстириш, соғлом турмуш тарзига амал қилишга хизмат қилувчи маданий-спорт тадбирларни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлинмаси бошқаруви мутахассиси Тоҳир Жўрабоев. — Жумладан "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақасида иштирок этувчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йилги мусобақаларда қатнашчилар сони ўтган йилларга нисбатан ортганлиги ҳамда маҳаллаларда мусобақа кўламининг янада кенгайиб, оилалар ўртасида спортга бўлган қизиқиш кучайганини кўриш мумкин.

Иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида келган ҳамшаҳарларимизнинг айримларини суҳбатга чорладик.

— Маҳалламиз обод ва файзли маҳаллалардан, — дейди Сергели тумани "Чоштепа" маҳалласида истиқомат қилувчи Саодат Ғаффорова. — Бу ерда мунтазам равишда спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Маҳалла қошида спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирда нафақадаман. Фарзандларим ҳамда набирамни спортга ошно тарзда камолга етказишга алоҳида эътибор қаратамиз. Мусобақада катта ўғлим оиласи билан қатнашмоқда. Келиним ҳамшира, ўғлим тадбиркорлик билан шуғулланади. Набираларим спорт тўгаракларига қатнашиб келишади. Набираларимга боқиб туриб қанийди ёшлигим қайтиб келсаю, дейман. Бизнинг даврда ҳам шундай шарт-шароитлар яратилганда катта спортчига айланган бўлардим. Волейбол, баскетболга жуда қизиққанман. Шукрлар бўлсин ҳозир ҳамма шарт-шароитлар бор.

Мусобақа якунига кўра, Яккасарой тумани "Тўқимачи" маҳалласидан Бекбўлатовлар оиласи биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга Учтепа тумани "Катта Қаъни" маҳалласидан Назаровлар, учинчи ўринга Чилонзор тумани "3-Чарх Камолон" маҳалласидан Мақсудхўжаевлар ҳамда Олмазор тумани "Истиқбол" маҳалласидан Холиқовлар оиласи муносиб топилди.

— Анъанавий ўтказилаётган мусобақа орқали биз спортнинг аҳамияти катталигини янада тушундик, — дейди Чилонзор тумани "3-Чарх Камолон" маҳалласидан Саида Йўлдошбекова. — 3 нафар фарзандларимиз таэквондо, футбол, стол тенниси билан доимий тарзда шуғулланиб келишади. Мусобақада оиламиз билан иштирок этиб, 3-ўринни эгалладик. Фарзандларимиз билан бирга ёнма-ён туриб, беллашдик. Мазкур мусобақа орқали маҳаллалар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик мустаҳкамланмоқда. Маҳалламизда спорт билан шуғулланиш учун етарли шароит яратилган. Бу каби тадбирлар эса ёшлар қатори биз, катталарда ҳам спортга бўлган иштиёқ ва қизиқишни оширмоқда. "Соғлом она ва бола" йилида саломатликни мустаҳкамлашга қаратилаётган эътиборни алоҳида эътироф этиш жоиз. Бежизга спорт – саломатлик гарови дейишмайди.

Мусобақа иштирокчилари ва ғолиблар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлими ҳамда қатор ҳомий ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Мутахассис маслаҳати

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ

Куйдирги — спора ҳосил қилувчи бактерия қўзғатадиган (B anthracis), турли хил юқиш механизмларига эга бўлган, ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланади. Касалликни куйдирги таёқчаси қўзғатади. У ташқи муҳитда спора ҳолида учрайди ва сувда, тупроқда ўн йилгача яшаш қобилиятини сақлаб туради.

Куйдирги касаллигининг манбаи асосан касалланган уй ҳайвонлари: қорамол, от, қўй, туя, эчки, чўчқа, ит ва мушуклар ҳисобланади. Табиатда куйдирги касаллиги қўзғатувчисининг сақловчиси тупроқ ҳисобланади, айнан тупроқ ҳайвонларни куйдирги бактерияси билан таъминлайди.

Касал ҳайвонларда куйдирги таёқчаси ҳамма органларга тарқалади ва ажратмалари билан ажралиб тупроқ, ем-ҳашак, яйлов, сув ҳавзаси ва бошқаларни ифлос қилиб, касаллик тарқалишига сабабчи бўлади.

Куйдирги бактерияси одам организмига жароҳатланган тери, шиллиқ қават, оғиз ҳамда юқори нафас йўллари орқали киради. Касаллик одамга касал ҳайвонларни сўйиб, терисини шилганда, нимталаганда, гўштини яхши термик ишлов бермасдан истеъмол қилганда юқиши мумкин. Касалликнинг организмга қайси йўл билан тушишига қараб, унинг тери, ичак ва ўпка шакллари келиб чиқади.

Куйдирги асосан ёз-куз ойларида учрайди. Касаллик одамга юққандан кейин бир неча соатдан то 14 кунгача яширин даври бўлиб, бунда беморлар шикоят қилмайдилар. Куйдиргининг тери шаклида вирус кирган жойда (терида) доғ пайдо бўлади. Бу доғ сўнгра босқичма-босқич папулага, везикулага, пустулага ва ярага айланади. Асосан беморларнинг, 95-98 фоизида куйдиргининг тери шакли учрайди.

Куйдиргининг ўпка шакли анча оғир кечади, бунда касалликнинг яширин даври қисқа бўлиб, ҳарорат тезда кўтарилади, йўтал, нафас қисиши, мускулларнинг тиришиши, қон аралаш балғам чиқиши кузатилади.

Касалликнинг ичак шаклида қоринда қаттиқ оғриқ, ичакдан қон кетиши, тана ҳароратининг жуда юқори бўлиши каби аломатлар бўлади.

Септик шаклида эса, юқорида айтиб ўтилган клиник белгилар намоён бўлиб, кейинчалик касаллик қўзғатувчи таёқчалар қонга ўтади, қон орқали бутун организмга тарқалади.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

— чорвачилик фермаларида, қушхоналарда, жун, тери, гўшт, сутни қайта ишлаш корхоналарида ишловчилар иш жараёнида ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилишлари, ҳар йили режали эмланиб, тиббиёт ходимлари назоратида бўлишлари лозим;

— мол бозоридан сотиб олинадиган қорамолларнинг ветеринария хизмати ходимлари томонидан назоратдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотномаси бўлиши керак;

— экспертиза ва ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмаслик;

— касаллик аломатлари пайдо бўлганда ўзбошимчалик билан даволанмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Аҳоли орасида куйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича санитария-тарғибот ишини кенг кўламда олиб бориш зарур.

Л.УМАРОВА,
Тошкент шаҳар ЎХЮК бўлими эпидемиологи

Баҳрайнда шу йилнинг 13–30 октябрь кунлари 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган Жасур Абдураимов бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 6–9 август кунлари ўтказиладиган Марказий Осиё футбол ассоциацияси кубогида иштирок этади.

ЎҚУВ-ЙИҒИН МАШҒУЛОТЛАРИДА ҚАТНАШАДИ

19 ёшгача бўлган футболчилардан тузилган терма жамоалар қатнашадиган турнирда Абдураимов шогирдларидан ташқари Афғонистон, Қирғизистон, Эрон, Тожикистон ҳамда Туркманистон жамоалари қатнашади. Ўйинлар "Жар" ҳамда "Пахтакор" стадионларида бўлиб ўтади.

Осиё чемпионатига тайёргарликнинг сўнгги босқичида эса ёшлар терма жамоаси Қатарда ўқув-машғулот йиғинини ўтказиб, Қатар ёшларига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушади.

Эслатиб ўтамиз, 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида қуръа натижасига кўра ҳамюртларимиз "D" гуруҳидан жой олган. Мазкур босқичда ўзбекистонлик футболчилар Тожикистон, Австралия ва Хитой ёшлар жамоаси билан куч синашади.

АВСТРАЛИЯ БИЛАН ЎРТОҚЛИК ЎЙИНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида 5 сентябрь – 2 октябрь кунлари ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Тошкентдаги йиғини доирасида Уммон ўсмирлар термасига қарши иккита назорат ўйинини ўтказди.

Дастлабки ўйинда Темур Олимхўжаев шогирдлари йирик – 4:1 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, иккинчи баҳсда дуранг қайд этилди – 0:0.

Таъкидлаш керакки, ўсмирларимиз 9 сентябрь куни Ҳиндистонга учиб кетиб, Гоа шаҳрида австралиялик тенгдошлари билан ўртоқлик учрашуви ўтказишади.

Бу муҳим мусобақа олдидан сўнгги назорат учрашуви бўлади ва 15 сентябрдан расмий ўйинлар бошланади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати финал босқичида КХДР, Таиланд ҳамда Яман ўсмирлар терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин олган.

Ҳамюртимиз Денис Истомин Қозоғистоннинг Остона шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган "Челленжер" турнирининг ярим финалига йўл олди.

КУЧЛИ РАҚИБ ЕНГИЛДИ

Юртимизнинг биринчи рақамли ракеткаси чорак финалда россиялик Данил Медведевни 7:6, 7:6 ҳисобларида мағлуб этишга муваффақ бўлди.

1 соату 47 дақиқа давом этган беллашувда Денис бешта эйс зарбасини амалга оширишга муваффақ бўлди. Шунингдек, рақибининг учта тўп узатишидаги гэймни ўз ҳисобига ёзиб қўйди.

Юртдошимиз финалга чиқиш учун яна бир россиялик теннисчи Константин Кравчук билан баҳс олиб боради. Ушбу рус теннисчиси чорак финалда кореялик Дак Хи Лини икки сетда доғда қолдирди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичи бошланишига оз фурсат қолмоқда.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА

Ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этишга аҳд қилган Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш баҳсининг Сурия терма жамоасига қарши кечадиган дастлабки гуруҳ ўйини олдидан Тошкентда ўқув-машғулот йиғинини ўтказади. 20 августдан бошланадиган бу сафарги машғулот йиғинига хориж клубларида фаолият юритаётган легионерлар ҳам таклиф этилган. Дарвоқе, Сурия билан кечадиган муҳим учрашув олдидан Самвел Бабаян шогирдлари Тошкентда Яман терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик беллашувида майдонга тушишади.

ДАСТЛАБКИ ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Ўтган ҳафтада футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон Кубоги чорак финал беллашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг "Локомотив" – "Машъал" жамоалари ўртасидаги жавоб баҳсида кутилмаган натижа қайд этилди. Муросасиз, қизғин баҳсларга бой учрашув "Машъал"нинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Меҳмонлардан Шайманов, Муртазоев томонидан киритилган голларга темирйўлчилардан Жепаров битта гол билан жавоб қайтарди. Аммо, Муборакда кечган дастлабки учрашувда темирйўлчилар 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Шу боис ҳам Тошкентдаги ўйинда қайд этилган мағлубиятдан қатъий назар "Локомотив" ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: "Бухоро" — "Қўқон-1912" — 2:0, "Насаф" — "Андижон" — 3:1, "Бунёдкор" — "Металлург" — 3:1.

Шундай қилиб "Локомотив", "Бухоро", "Насаф" жамоалари Ўзбекистон Кубогининг ярим финалида ўйнаш ҳуқуқига эга бўлишди. Ярим финалнинг сўнгги иштирокчиси номи "Металлург" — "Бунёдкор" ўртасида кечадиган чорак финалнинг такрорий баҳсидан сўнг маълум бўлади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ошхонада овқатланишни ташкил этиш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов 2016 йил 5 сентябрь куни соат 11:00 да мактаб биносида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Шайхзода кўчаси, Хуросон маҳалласи.

Мурожаат учун телефонлар: (71) 271-55-82, (71) 271-55-83.

Электрон манзил: xorijtilmaktab@xtv.uz

Тошкент Ислом университети университетда соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ошхона-буфетни ижарага бериш учун танлов эълон қилади. Маълумот учун телефонлар: 241-34-10, 244-94-78. Манзилимиз: А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникаси ҳудудидаги собиқ шарқ табобати биносини бузиш ишларини амалга оширишга ва бузишдан чиқадиган қурилиш материалларини сотишга тендер эълон қилади. Тел. 233-37-18, 232-21-13.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **4 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **4 августда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ